

Транспорт-экспедиторлик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил қилиш муаммолари

Баймағамбетов С. - магистратура талабаси
Қорақалпоқ давлат университети

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида харажатларни самарали бошқариш учун оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш талаб қилинади. Бунда корхонанинг раҳбар ва мутахассислари харажатлар тўғрисида батафсил маълумотларга эга бўлишлари зарур.

Оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни шакллантиришда ҳар бир тармоқнинг ва унда фаолият юритаётган корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда харажатлар ҳисобини ташкил қилиш лозим. Бу ўз навбатида харажатлар тўғрисида батафсил маълумотларни шакллантиради.

Бугунги кунда асосий муаммо тан олинган даромадга мос харажат суммасини аниқлаш билан боғлиқ. Чунки амалдаги бухгалтерия ҳисоби бу даромадлар учун сарфланган харажатларни аниқ ҳисоблаш имкониятига эга эмас. Сабаби 2010 счётининг дебет томонида йиғилган харажатларни уч қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисми тугалланмаган иш ва хизматлар учун сарфланган харажатлар, яъни ой бошига бўлган тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари, иккинчи қисми ҳисобот даврида бажарилган иш ва хизматлар учун сарфланган харажатлар ва учинчи қисми ҳисобот даври охирига буюртмачиларга топширилмаган иш ва хизматлар учун сарфланган харажатлар, яъни ой охирига тугалланмаган иш ва хизматлар харажатлари.

Шунинг учун ҳисобот даврида тугалланмаган иш ва хизматлар тугалланиши лозим ва улар топширилгандан сўнг даромадлар тан олинадиган хамда унга мос харажатлар ҳисобдан ўчирилади. Шунингдек, ҳисобот даври мобайнида кўрсатиладиган иш ва хизматлар учун қилинган харажатлар иккига бўлинади. Бир қисми бажарилган иш ва хизматлар таннархига олиб борилади. Қолган қисми эса ой охирига «Тугалланмаган иш ва хизматлар харажатлари» сифатида 2010 счётининг дебет томонида қолади. Ҳозир амалиётда транспорт-экспедиторлик корхоналари даромадларга мос харажатларни аниқлашда сметадаги даромад ва харажатлар нисбатига асосланади. Бу нисбатда агарда 100 сўмлик хизматга 80 сўмлик харажат сарфлаш белгиланган бўлса, унга асосан тан олинган даромад суммасига мос харажат суммаси аниқланади ва у 9130 счётининг дебети ва 2010 счётининг кредитида акс эттирилади.

Дт 9130	Кт 2010	сумма
---------	---------	-------

Фикримизча, даромадларга мос харажатлар суммасини аниқлаш учун транспорт-экспедиторлик корхоналарида бажариладиган иш ва хизматлардан тушган даромадларни олиш мақсадида сарфланган харажатларни ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш талаб қилинади. Бунинг учун харажатларни ҳисобга олишнинг бошланғич нуктасида янгича ёндашув

килиниши лозим. Чунки транспорт-экспедиторлик корхоналарида ҳар бир буюртмани, яъни шартномада кўрсатилган иш ва хизматларни бажариш учун сарфланган харажатлар ҳамда улардан олинадиган даромадларни ҳисобга олиш имконияти мавжуд.

Транспорт-экспедиторлик корхоналари харажатлар ҳисобини мукамал ташкил қилиш учун қуйидаги муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади:

1. Транспорт-экспедиторлик корхонасининг асосий фаолияти харажатлари ҳисобини ташкил қилиш;

2. Транспорт-экспедиторлик фаолиятининг турлари бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш;

Транспорт-экспедиторлик корхоналарининг асосий фаолияти мижозларнинг юklarини белгиланган манзилларга етказиб бериш ҳисобланади. Ушбу фаолият харажатлари барча харажатларнинг 90 фоизга яқинини ташкил қилади.

Фикримизча, юқоридаги муаммоларнинг ечимини бериш учун дастлаб, асосий фаолиятга сарфланаётган харажатлар таркиби ва уларга таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

Харажатлар таркиби ва уларга таъсир этувчи омиллар юкни белгиланган манзилга етказиш бўйича тузилган шартномани бажариш харажатларига таъсир қилади. Чунки даромад хизматни бажарганлик учун тўланади. Шунинг учун ҳам харажатлар шартномалар бўйича алоҳида юритилиши лозим.

Фикримизча, харажатлар ҳисобини қуйидаги йўналишлар бўйича юритиш мақсадга мувофиқдир:

- автобригадалар бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш;
- маршрутлар бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш;
- шартномалар бўйича харажатлар ҳисобини ташкил қилиш.

Транспорт-экспедиторлик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг самарали бўлиши учун юқорида тавсия этилган харажатлар ҳисобининг тўртта йўналишидан ҳар бири транспорт-экспедиторлик фаолиятининг айрим жиҳатларига баҳо бериш, шунингдек, харажатларнинг мақсадга мувофиқ сарфланиши устидан назорат ўрнатиш ҳамда фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш имконини беради.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда ушбу усулларнинг қўлланилиши билан сарфланган харажатларнинг қимматлигини уларни манзилларга етказиш жараёнларининг қимматлиги ва таваккал билан боғлиқлиги таъминланади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Камышанов П., Камышанов А. Современный бухгалтерский учет и аудит на предприятиях и в банках. - М: Изд-во «Бухгалтерский учет», 2003. - 272 с.
2. Жаббаров У.Р. Транспорт-экспедиторлик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий асослари ва уни такомиллаштириш истиқболлари // Иқтисодиёт ва таълим. — Тошкент, 2009. - № 2. — Б. 103-107.